



УДК: 611.438-092.4: 614.841

## СУРУНКАЛИ НУРЛАНИШ ТАЪСИРИДА КАЛАМУШЛАР ТИМУСИННИГ МОРФОФУНКЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАРИ

Асадова Нигора Ҳамроевна

АЗИМОВА ЗИЛОЛА СОБИРОВНА

*Бухоро давлат тиббиёт институти*

**Аннотация:** Ушбу мақолада замонавий радиология ва иммунологиянинг долзарб муаммолари бўлган нурланишдаги тимус патологиялари, тимус тўқималарининг ҳолатини ўрганишда ҳамда, касаллик юзага келишини тахмин қилишда морфологик кўрсаткичларига бағишиланган бўлиб, бунда 6 ойлик оқ зотсиз каламуш тимусининг нурланишдан кейинги морфометрик параметрлари таҳлили келтирилган. Тадқиқот 64 та 6 ойлик оқ зотсиз каламушларда ўтказилди. Тимус морфометрияси шуни кўрсатдики, постнатал онтогенезда уларнинг ўртача массаси, ҳажми, қобиқ ва мағиз кисми қалинлиги турли даражада ўзгарди. Тимус ҳажми ва тимоцитлар ёш ошган сари нотекис ва бир хил бўлмаган ҳолатда ўзгаради. Сурункали нур касаллиги Гассал таначаларининг ўлчамлари ва сонига салбий таъсир кўрсатди. Сурункали нур касаллиги Т - лимфоцитларнинг етилиш даражаси ва сонининг камайишига олиб келди.


**Калит сўзлар:** тимус, Гассал таначалари, Т-лимфоцитлар

## МОРФОФУНКЦИОНАЛЬНОЕ ИЗМЕНЕНИЕ ТИМУСА КРЫС ПРИ ХРОНИЧЕСКОМ ОБЛУЧЕНИИ

Асадова Нигора Ҳамроевна

*Бухарского медицинского институт кафедра*

**Аннотация:** Данная статья посвящена морфологическим показателям при изучении состояния патологий вилочковой железы, ткани вилочковой железы при облучении, которые являются актуальными проблемами современной радиологии и иммунологии, а также прогнозированию возникновения заболевания, в которой представлен анализ морфометрических параметров тимуса крысы после облучения. Исследование проводилось на 64 белых-беспородистых 6-месячных крыс. Результаты исследования морфометрии тимуса показала, что в постнатальном онтогенезе их средняя масса, размер, толщина слоев изменялись по разному. Объем тимуса, длина, периметр и толщина тимоцитов меняется в зависимости от возраста неравномерно. У крыс





с хроническим лучевым облучением темп прироста этих параметров по сравнении с контрольной группы замедлен.

Хроническая лучевая болезнь отрицательно повлияла на количество и размеры тельца Гассала и привело к уменьшению количества Т – лимфоцитов и опозданию их темпа созревания.

**Ключевые слова:** тимус, тельца Гассала, Т-лимфоциты.

## MORPHOFUNCTIONAL CHANGE OF RAT THYMUS DURING CHRONIC IRRADIATION

**Asadova Nigora Khamroyevna**

*Bukhara State Medical Institute*

**Abstract:** The study was conducted on 64 white, mongrel 6-month-old rats. The results of the study of the morphometry of the thymus showed that in postnatal ontogenesis their average mass, size, thickness of layers varied differently. The volume of the thymus, length, perimeter and thickness of thymocytes varies unevenly depending on age. In rats with chronic radiation exposure, the growth rate of these parameters is slowed down in comparison with the control group.

Chronic radiation sickness negatively affected the number and size of the Ghassal body and led to a decrease in the number of T – lymphocytes and a delay in their maturation rate.

**Key words:** thymus, Gassal's corpuscles, T-lymphocytes.

(E-mail: [nigor87asadova@gmail.com](mailto:nigor87asadova@gmail.com))

**Долзарблиги:** Нурланиш нафақат радиобиологик, балки ижтимоий аҳамиятга эга бўлган энг мураккаб муаммо ҳисобланади. Иммун тизими турли хил таъсиrlарга биринчилардан бўлиб таъсиr жавобини беради. Шунинг учун лимфоид органларнинг ташқи таъсиrlарга реакциясини ўрганиш доимий равишда олиб борилмоқда. Бу радиация таъсирига ҳам тегишли бўлиб ҳозирда бу муаммо камроқ ўрганилишига қарамай ўз долзарблигини йўқотгани йўқ.

Нурланиш таъсирини ўрганиш катта радиацион оғатлардан кейин кучайган. Гарчи кўп иш радиацияга бағишланган бўлса-да, шунга қарамай унинг танага ва унинг индивидуал функцияларига таъсиr қилувчи нокулай омиллардан бири сифатида, радиация технологияларидан фойдаланиш ҳолатлари камайгани йўқ, балки йилдан-йилга ўсиб боряпди, бу эса иммунитет тизимида ва бошқа органларда доимий ўзгаришларни келтириб чиқаради[3]

Иммун тизими асосан организмнинг кимёвий омиллар таъсирига чидамлилигини аниқлади. Одам ва ҳайвон организмининг энг реактив тизими иммун тизимидир. Бу заарли омиллар таъсирига тезда таъсиr қиласи. Ҳимоя тизими танани бегона эндоген ва экзоген омиллардан ҳимоя қилувчи органлар






ва тўқималар мажмуаси томонидан ҳосил бўлади [4,1,2]

Бизнинг тадқиқотимиздан асосий мақсад шундан иборатки, соғлом лаборатория ҳайвонлари - оқ қаламушларнинг тимус хужайравий тузилмаларининг морфометрик параметрларини ўрганиш.

**Материаллар ва тадқиқот усуллари:** Тадқиқот учун лабораторияда олти ойлик 15 та эркак ва 15 та урғочи оқ зотсиз қаламушлардан фойдаланилди. Қаламушларнинг ўртача вазни 190,  $\pm$  12,2 г бўлган, стандарт вивариум шароитида ва кичик ёғоч қипиқлари бўлган пластик катакларда сақланган бўлиб, ҳар бир қафасда 5 тадан оқ қаламушлар жойлаштирилди. Тадқиқотлар "Экспериментал ҳайвонлардан фойдаланган ҳолда иш олиб бориш қоидалари"га амал қилган ҳолда олиб борилди. Эксперимент учун олинган ҳайвонлар енгил эфирии наркоз остида анестезия қилиниб, кўкрак бўшлиғи очилиб, тимус кейинги гистологик ва морфометрик текширув учун ажратиб олинди. Ажратиб олинган тимуслар 10% ли нейтрал формалин эритмасига солинди. Тимус препаратлари стандарт гистологик методлардан фойдаланган ҳолда тайёрланиб, препаратлар гематоксилин ва эозин билан бўялди. Препаратларнинг микроскопияси микроскопнинг катталаштирилиш масштаби  $\times 60$ ,  $\times 80$  бўлган тринокуляр микроскоп ёрдамида амалга оширилди. Гистологик тасвиirlар микроскоп камераси ёрдамида олинган ва олинган тасвиirlарни таҳлил қилиш мақсадида тиббиёт учун маҳсус дастур асосида амалга оширилди. Маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш мақсадида, ҳар бир параметрни аниқлаш учун такrorий ўлчовлар ишлатилган. Олинган натижаларни статистик қайта таҳлил қилиб, намунавий ўртача параметрлари ҳисоблаб чиқилди.

**Натижалар ва муҳокама:** Нурланиш даражаси жараённинг тимусга қанчалик дозада (Гр яъни 1кг тана вазнига 1 Дж энергиянинг ютилиши) таъсир эттирилишига боғлиқ бўлиб, айни ишда сурункали таъсирлантирилган тўқима тимуснинг хужайралари барча қаватларида атрофик ва склеротик таъсир қилиб тимуснинг инвалюциясини тез ривожланишига ва иккиласмчи иммун танқисликнинг ривожланишига олиб келади. Микроскопик жиҳатдан бу ўзгаришлар, пўстлоқ қаватда ретикулоцит хужайралар ва мағиз қаватда эса, кўплаб эпителиоид ва макрофагларнинг пролиферацияси ва тимуснинг акцидентал трансформацияси ривожланишига олиб келади ва строманинг склерозланиши билан намоён бўлади.

**Морфометрик тадқиқот таҳлил қилинди:** Тадқиқот учун олинган қаламушлардаги тимус пушти-сарғиш рангли конус шаклидаги тоқ орган бўлиб, улар ташқи томондан силлиқ ва ялтироқ капсула билан қопланган. кўринарли патологик макроскопик аномал белгилар аниқланмади. Тажриба давомида қаламушлар тимусининг органометрик параметрларининг динамик кўрсаткичи аниқланди. Кузатув даврида тажрибадаги ҳайвонлар тана оғирлиги ошгани






сайин, тимуснинг ўрганилган органометрик параметрлари ҳам ўзгариб боравериши аниқланди.

6 (40%) ойлик каламушларда тимус бези асосан кесик конус (60%) шаклига эга. 6 ойлик каламушларда тимус массаси ўртacha  $189,22 \pm 2,35$  ни ташкил этади. Солиштирма оғирлиги ўртacha  $2,68 \pm 0,73$  мг ни ташкил этган. Тимуснинг ҳажми  $364,6 \pm 34,1$  мм<sup>2</sup> ни ташкил қиласди. 6 ойлик каламушларнинг тимусининг капсула қалинлиги ўртacha  $5,8 \pm 0,11$  га, олдинги учи ўртacha -  $8,1 \pm 0,19$  га, орқа учи эса ўртacha -  $6,9 \pm 0,31$  мкм га teng бўлади.

Проксимал қисмдаги трабекула диаметри ўртacha  $12,9 \pm 0,7$ ,гача , дистал қисм ўртacha  $9,2 \pm 0,34$ мкм ташкил этади. Трабекуланинг қалинлиги ўртacha -  $13,2 \pm 0,51$  ни ташкил этадилар 6 ойлик каламушлар тимусининг бўлаклари майдони ўртacha - 68,4%.

6 ойлик каламушларда трабекула артериолалари проксимал қисмдаги девори қалинлиги трабекуляр артериясининг девор қалинлиги ўртacha  $18,4 \pm 0,22$  ва веналар ўртacha  $16,3 \pm 0,21$  мкм , артериянинг ички диаметри ўртacha  $24,6 \pm 0,15$  гача, веналар ўртacha  $23,5 \pm 0,23$  мкм.





Расм-1 Яланғочланган стромада ретиқулёз ва эозинофилёз аниқланади. : Бўёқ гем-эозин. 40x10.

Каламушларнинг трабекуляр артериясининг девор қалинлиги дистал қисмда ўртacha  $16,4 \pm 0,19$  ни ташкил қиласди. Веналар ўртacha  $16,6 \pm 0,25$  мкм ни ташкил қиласди, артериянинг ички диаметри ўртacha  $21,6 \pm 0,31$  ни ташкил қиласди , веналар ўртacha  $18,7 \pm 0,22$  мкм.ни ташкил қиласди.

Кортикал қатламнинг артериола деворининг қалинлиги ўртacha -  $15,7 \pm 0,14$  гача венулалар ўртacha -  $14,1 \pm 0,13$ ; артериолаларнинг кортикал қатлам ички диаметри ўртacha -  $17,4 \pm 0,43$ , венулалар ўртacha -  $23,4 \pm 0,19$  мкм ташкил этади.

Мия қавати артериола деворининг қалинлиги ўртacha -  $14,2 \pm 0,16$ , венулалар ўртacha -  $14,3 \pm 0,21$ ; Мия қавати артериоласининг ички диаметри ўртacha -  $16,7 \pm 0,27$ , венула эса ўртacha -  $16,7 \pm 0,27$  мкм ни ташкил этди.






Расм-2. Нурланиш таъсирида тимуснинг пўстлоқ қаватида атрофик ўзгариши аниқланади. Мағиз қавати кенгайган. Бўёқ: гем-эозин. 4x10.

Шундай қилиб, олинган маълумотларни айрисимон без патологияси бўйича экспериментал ишларни бажаришда стандарт кўрсаткичлар сифатида фойдаланишни тавсия этиш мумкин. Тавсия этилган кўрсаткичлар тимоцитларнинг батафсил тавсифлашни ўз ичига олган каламуш тимусининг гистологик тузилмаларини миқдорий таҳлил қилишга имкон беради.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Кирьянов Н.А. [и др.] / Морфологическая характеристика органов иммунной и эндокринной систем при эндотоксикозе// Медицинский вестник Башкортостана. 2013. Т. 8, № 6. С. 156–158.
2. Михайленко А.А. [и др]. Профилактическая иммунология / Москва-Тверь: ООО Изд.«Триада». 2004. 448 с.
3. Сафонова, В. А. Возрастные изменения амилазной активности в тонком отделе кишечника бройлеров / В. А. Сафонова, А. М. Пастухов // Матер. науч.-координац. совещания. Казань, 1983. С. 36–37
4. Ярилин А. А. /Цитокины в тимусе. Биологическая активность и функции цитокинов в тимусе / А.А. Ярилин // Цитокины и воспаление. 2003. Т. 2, № 2. С. 3–11.
5. Асадова, Н. Х. (2021). Морфофункциональные Свойства Тимуса И Изменения Действия Биостимуляторов При Радиационной Болезни. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MEDICAL AND NATURAL SCIENCES*, 276-279.
6. Асадова, Н. Х., & Алимова, Н. П. (2022). Сравнительный Анализ Гистопатологии Тимуса Как Центральный Орган Иммунной Системы. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MEDICAL AND NATURAL SCIENCES*, 3(3), 112-120.
7. Асадова, Н. Х. (2021). Морфофункциональные Свойства Тимуса И Изменения Действия Биостимуляторов При Радиационной Болезни. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MEDICAL AND NATURAL SCIENCES*, 276-279.
8. Асадова, Н. Х. (2021). Морфофункциональные Свойства Тимуса И Изменения Действия Биостимуляторов При Радиационной Болезни. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MEDICAL AND NATURAL SCIENCES*, 276-279.
9. Khasanova, D. A., & Asadova, N. K. (2021). Morpho functional changes in thymus of white rats in acute stress. *Academicia: An international multidisciplinary research journal*, 11(1), 685-691.
10. Farxodovna, X. M. (2022). Comparative Analysis of the Morphofunctional State of the Fetoplacental System in Obese Pregnant Women. *INTERNATIONAL JOURNAL OF HEALTH SYSTEMS AND MEDICAL SCIENCES*, 1(5), 27-30.





11. Farxodovna, X. M. (2022). Morphological Features of the Structure of the Fetoplacental System in Pregnant Women against the Background of Obesity. Research Journal of Trauma and Disability Studies, 1(9), 100-104.

